

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ А Ж Р И М И

2025 йил март ойининг 26 куни Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанцияси ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи вилоят суди судьяси И.Абраев, ҳайъат судьялари А.Шомуродов ва М.Маликовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси З.Абдимуратовнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори С.Қурбонов, маҳкум М.Ҳ ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Бердиевнинг иштирокида, суд ажримига нисбатан маҳкум М.Ҳ томонидан келтирилган кассация шикоятини иш материали билан текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман судининг 2025 йил 17 февраль кунидаги ажримига кўра,

Маҳкум Ҳ.М.Д (Н.М.Д), 0000 йил 00 февраль куни Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 0 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Жарқўрғон тумани “Ҳайитобод” маҳалласида яшовчига нисбатан

Жарқўрғон туман ИИБ бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасини қўллаб, ўталмай қолган 7 ой озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномаси рад қилинган.

Маҳкум М.Ҳ шикоятда, суд ажримида Пленум қарорларига риоя қилинмаганлиги, шу куни кўриб рад қилинган ажримларнинг барчасида бир хил важлар келтирилганлиги, шу сабабли ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаришни сўраган.

Кассация инстанциясида сўралган маҳкум М.Ҳ шикоятдаги важларини тўлиқ қувватлашини билдириб, ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаришни сўради.

Кассация судлов ҳайъати иш бўйича судья М.Маликовнинг маърузасини, давлат айбловчиси С.Қурбоновнинг шикоятни қаноатлантириш, маҳкум М.Ҳ ва унинг ҳимоячиси А.Бердиевнинг шикоятни қувватлаб, суд ажримини бекор қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, тўпланган ҳужжатларни таҳлил қилиб, шикоятда келтирилган важларни атрофлича текшириб, қуйидаги асосларга кўра суд ажримини бекор қилиб, шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.



Иш ҳужжатларига кўра, М.Ҳ жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман судининг 2023 йил 27 март кунндаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, ЖКнинг 62-моддаси тартибида иш ҳақидан 20 фоизини давлат фойдасига ундириб бориш шарти билан 1 йил 11 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман судининг 2023 йил 13 ноябрь кунндаги ажримига кўра ўталмай қолган 1 йил 9 ой 2 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 46-моддасига асосан шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, маҳкум М.Ҳ ҳозирги вақтда Жарқўрғон тумани ИИО Пробация гуруҳида жазо муддатини ўтаб келаётган бўлиб, 2025 йил 15 февраль куни туман ИИБ бошлиғи маҳкум М.Ҳ белгиланган чекловларга амал қилиб келаётганлиги, ўзига тўғри хулоса чиқарганлиги, қилган жиноятига пушаймонлиги, Пробация гуруҳи томонидан танбеҳ олмаганлиги, ушбу кунга қадар тайинланган жазонинг 1 йил 2 ой 2 кунини ўтаганлиги сабабли ўталмай қолган 7 ой озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилиш масаласини кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман судига тақдимнома билан муурожаат қилган.

Суд, иш материални тақдимнома асосида кўриб чиқиш жараёнида жиноят қонунчилигининг қонунийлик ва жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларидан келиб чиққан ҳолда маҳкумни суд томонидан тайинланган жазо муддатини ўтаб бўлмаганлигини инобатга олиб, тақдимномани рад қилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш асослари кўрсатилган бўлиб, унга кўра озодликдан маҳрум этилган, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, озодлиги чекланган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин. Шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкинлиги, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкинлиги қайд этилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 28-сонли қарорининг 7-бандида судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, улар нафақат маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни асоссиз равишда рад этишга, балки асоссиз равишда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли



озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришга ҳам йўл кўймасликлари лозимлиги;

суд қонунда назарда тутилмаган асослар, жумладан, олдинги жиноятлари учун судланганлик ҳолати мавжудлиги, тайинланган жазо енгиллиги, маҳкум айбига иқро эмаслиги, муайян жазони ижро этиш муассасасида қисқа вақт мобайнида бўлганлиги ва ҳ.к. бўйича жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни рад этишга ҳақли эмаслиги, содир этилган жиноят хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси (унинг оғирлиги ва оқибатлари) ҳам илтимоснома ёки тақдимномани рад этиш учун асос бўлмаслиги, чунки бу ҳолатлар жазо тайинланган вақтда инобатга олинган бўлиб, бундан ташқари, ЖК 73, 74, 89 ва 90-моддаларида назарда тутилган муддатлар белгиланиши мезони ҳисобланиши;

мазкур Пленум қарорининг 18-бандида суд ажрими қонуний бўлиши, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимнома (илтимоснома)ни кўриб чиқиш натижасида суд чиқарган хулосалар батафсил асослаб берилган бўлиши шартлиги, тақдимнома (илтимоснома) рад этилганда суд ажримидан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш имкониятини истисно этувчи фактик ҳолатлар аниқ кўрсатилган бўлиши шартлиги, бундай ҳолатлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосалар суд мажлисида текширилмаган маълумотларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бирок, биринчи инстанция суди томонидан мазкур иш материални кўриб чиқиш давомида ЖК нормалари ва Олий суд Пленуми қароридаги тушунтиришларга риоя қилинмасдан, жиноят қонунчилигининг қонунийлик ва жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларидан келиб чиққан ҳолда маҳкумни суд томонидан тайинланган жазо муддатини ўтаб бўлмаганлигини инобатга олиб, қонунда кўрсатилмаган ҳолатлар асос қилиниб, жазони ижро этиш органининг тақдимномаси рад қилинганлиги сабабли суднинг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509¹²-моддаси 2-қисми 2-бандида кассация инстанцияси суди ишни биринчи инстанция судининг ажрими устидан берилган хусусий шикоят (хусусий протест) бўйича кўриш натижаларига кўра биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилишга ва ишни янгидан судда кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судлов ҳайъати суд ажримини бекор қилган ҳолда ишни янгидан судда кўриб чиқиш учун юбориб, шикоятни қаноатлантиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 509¹², 509¹⁴-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и:



Жиноят ишлари бўйича Жарқўрғон туман судининг 2025 йил 17 февраль кундаги маҳкум Ҳ.М.Дга нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилинсин.

Иш материали янгидан кўриш учун жиноят ишлари бўйича Қумқўрғон туман судига юборилсин.

Хусусий шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:	(имзо)	И.Абраев
Ҳайъат судьялари:	(имзо)	А.Шомуродов
	(имзо)	М.Маликов

Аслига тўғри:	М.Маликов
---------------	-----------

